



24
ОКТАБРЬ 2021 ЙИЛ

**- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ**

Ассалому алайкум, азизлар!

БЕШАРИҚ ТОНГИ

*Бешариқ тумани
ҳокимлигининг
ижтимоий-сиёсий
нашри*

Газета 1932 йил 15 майдан чиқа бошлаган.

2021 ЙИЛ 25 СЕНТЯБРЬ,
ШАНБА, № 39 (8972)
(Баҳоси келишилган нарҳда)

*Газета ҳафтада
бир марта чиқади*



«Миллий
тикланиш» ДП

**Алишер
Келдиевич
Қодиров**



ўэп

**Нарзулло
Наимович
Обломуратов**



ЎзХДП

**Мақсуда
Азизовна
Ворисова**



«Адолат» СДП

**Баҳром
Абдурахимович
Абдуҳалимов**



ЎзЛИДЕП

**Шавкат
Мирмонович
Мирзиёев**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА БАРЧА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ, шу йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президентлик сайловларида иштирок этадиган ном-

зодлар рўйхатга олинди. Ўзбекистон Президентлигига номзодлар билан танишинг: Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демокра-

тик партиясидан **Алишер Қодиров**; Ўзбекистон Экологик партиясидан **Нарзулло Обломуратов**. Ўзбекистон Халқ де-

мократик партиясидан **Мақсуда Ворисова**; Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан **Баҳром Абдуҳалимов**;

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан **Шавкат Мирзиёев**.

(ЎЗА).

Шу йилнинг 18 сентябрь куни Халқ депутатлари туман Кенгашининг қирқ олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛИ



Сессия муҳокамаига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрел-

даги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси киритилди.

Бу ҳақда туман молия бўлими бошлигининг бюджет масалалари бўйича ўринбосари Алишер Эрматов ахборот берди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича «Худудга таъминот» филиали тасарруфидаги «Бешариқ тумангаз» бўлими бошлиғи Авазбек Маллабоев ахборот берди. Туман аҳолисини бир маромда табиий газ билан таъминлаш ишларининг аҳволи танқидий

таҳлил қилинди.

Сессияда ёшлар ишлари агентлиги Бешариқ тумани бўлими бошлиғи Бахтиёр Худойбердиев Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 апрелдаги «Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан «Ёшлар дафтари» жамғармаларидан ижтимоий тўловларнинг айрим турлари, биринчи навбатда амалга ошириладиган фуқаролар

тоифаларининг муурожаатлари тўғрисида ахборот берди.

Сессияда Ўткиржон Эргашевни қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори тасдиқланди.

Депутатлар сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишди.

СУРАТДА: сессия иш жараёнидан.

Ф. ЗОКИРОВ олган сурат.



ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ
МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМГА ЖАЛБ
ЭТИШ МАҚСАДИДА БЕШАРИҚ ТУМАНИДА
ҲАР БИР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ
ХУДУД ВА МИКРОХУДУДЛАРГА
БИРИКТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

2021 йил 11 сентябрь 68-11-153-Q/21 Бешариқ шаҳри.

Бешариқ тумани халқ таълими бўлимининг 2021 йил 10 июндаги “Мақтаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида”ги 01/265-сонли муурожаатига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-боб, 39-банди ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-, 25-моддаларига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Бешариқ тумани халқ таълими бўлимининг 2021 йил 10 июндаги “Мақтаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида”ги 01/265-сонли муурожаати маъқуллансин.
2. Бешариқ тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. “Бешариқ тонги” газетаси таҳририяти (С.Темиров) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтга жойлаштирилишини таъминласин.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари О.Алимов ҳамда туман халқ таълими бўлими мудури в.в.б В.Абдурахмоновлар зиммасига юклатилсин.

Бешариқ тумани ҳокими

Р. ЖҲРАЕВ.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлда “Божхона маъмуриятчилиги ва тартиб-таомилларини янада соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

ТАРТИБ-ТАОМИЛ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Мазкур қарорга асосан хорижий хом ашё ва материалларни божхонада расмийлаштириш талабларини соддалаштириш мақсадида 2021 йил 1 августдан бошлаб божхона режими талабида хорижий буюртмачи мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам қайта ишлаш операцияларига рухсат берилди. Тадбиркорлик субъектига четдан хом ашё сотиб олиб, уларни республика ҳудудидида божхона тўловлари тўламаган ҳолда қайта ишлагандан сўнг исталган хорижий ҳамкорига сотиш имконини берадиган олиб чиқиш, олиб кириш, сотиш ва сотиб олиш бўйича янги турдаги ташқи савдо контрактлари амалиётга киритилди. Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларга хорижий давлатдан маҳсулот сотиб олиб, импорт қилмасдан учинчи давлатга тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилди. Олиб кириш контрактини олиб чиқиш контракт билан, шунингдек, сотиб олиш контрактини сотиш контракт билан ўзаро боғлиқ ҳолда мониторинг қилиш тартиби жорий қилинди. Олиб кириш контракт бўйича товарларни республикага олиб кириш ва божхона омбори, эркин омбор, эркин божхона зонаси, божхона ҳудудидида қайта ишлаш божхона режимларига расмийлаштириш, шунингдек, улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати ушбу контрактлар бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Ушбу контракт бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарлар «резекспорт» божхона режимига расмийлаштирилган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги лозимлиги белгиланди. Сотиб олиш контракт бўйича

тўланган маблағларни қайтариш ёки сотиш контракт бўйича маблағларнинг келиб тушиши сотиб олиш контракт бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ошмаслиги назарда тутилиши кўрсатилди. Бунда сотиш контракт бўйича келиб тушган маблағларнинг миқдори сотиб олиш контракт бўйича тўланган маблағлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Божхона органлари томонидан экспорт контракт бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан — экспорт божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан хизматларга (ишларга) нисбатан эса бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак. Енги бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари оқибатида ташқи савдо операциялари бўйича мажбуриятларни бажариш имконияти бўлмаганда, форс-мажор ҳолатлари юз берган давлатнинг ваколатли органи тасдиғига мувофиқ, ушбу ҳолатларнинг амал қилиш муддати мобайнида мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмайди.

Олиб чиқиш контракт бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарлар «резекспорт» божхона режимига расмийлаштирилган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги кераклиги белгиланган бўйича

А. ҒАНИЕВ,
туман адлия бўлими
етақчи маслаҳатчиси.



Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларига аҳолининг сайловларда иштироки, сайловга тайёргарлик кўриши ва ўтказиш жараёнларида уларнинг участка сайлов комиссиялари фаолиятида кузатувчилар, шу жумладан, халқаро кузатувчилар билан ўзаро муносабатлари, одамларнинг карантин қоидаларига риоя этишини таъминлаш ҳақида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходими Р.Исомиддинов томонидан атрофлича тушунтиришлар берилди.

Тадбирда Президент сайлови юксак сиёсий тафаккур махсули - мамлакатимизни ривожлан-

МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтadиган кун — 24 октябрь тобора яқинлашмоқда. Шу мақсадда туман ҳокимлигининг катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш жараёнларида маҳалла тизими ходимларининг вазифаларига бағишланган ўқув-семинари бўлди.

тиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илғор демократик ғояларнинг рўёби, Ўзбекистоннинг тараққиётига халқ билдирадиган комил ишончнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси, ундан самарали фойдаланиш, ўз тақдирини давлат, жамият, халқ тақдирини билан боғлиқ ҳолда кўриш,

амалга оширилаётган инсонпарвар, адолатли ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги таъкидланди.

Ўқув-семинарда маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари томонидан сайлов қонунчилиги ва оид кўллаб саволлар берилди ва уларга жавоблар қайтарилди.

ОҒОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Мамлакатимиз ичида ўзларининг ғайриинсоний ва ғайриисломий ғояларини тарқатишга ҳаракат қилаётган диний-экстремистик кучлар ёшларни чалғитиш, улар ёрдамида халқни тараққиёт йўлидан четлатишга интилади. Шундай шароитда моҳиятан пуч ғояларга қарши тўра олиш учун кишиларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб масалага айланмоқда.

ган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий инфекциялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профлактанинг ўрни катта. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя руҳи билан йўғрилган ана шундай тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр даъватларига ҳозиржавобликни таъ-

минлаш эса ҳар биримиз ва ҳаммамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Зеро, миллат, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларига таҳдид солган, уни ўз таъсирига олиш, устидан ҳукмронлик қилиш, бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни кучли мафкуравий иммунитет ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялашимиз лозим.

Қ. ПИРМАТОВ,
“Узун” масжиди
имом-хатиби.



- Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш қандай тартибда амалга оширилади?

ДАҲЛДОР ИДОРЛАР РЎЙХАТГА ОЛАДИ

муассасаларда яшаётган (бўлган) респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш ушбу қисмда назарда тутилган муассасалар ҳамда ташкилотлар маъмуриятлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда уларнинг ўзи билан бирга бўлган оила аъзолари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳуқуқатлараро ташкилотлардаги квоталанган ла-

возимларга юборилган фуқаролар Ташқи ишлар вазирлиги томонидан рўйхатга олинishi лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган чет давлатлар доимий ваколатхоналари, халқаро, ҳуқуқатлараро ташкилотлар ва чет давлатлар ҳуқуқат ташкилотлари ваколатхоналарининг ходимлари бўлган чет эл фуқаролари ҳамда уларнинг оила аъзолари, шунингдек, халқаро шартномага мувофиқ дипломатик имтиёзларга ва иммунитетга эга бўлган бошқа шахслар рўйхатга олинмайди.

О. КОМИЛОВ,
туман статистика
бўлими бошлиғи.

ПАХТА - 2021



Пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирди. Фермер ва деҳқонлар йил бўйи қилган меҳнатлари самарасини кўрмоқда. Илғор фермер хўжаликларида пахта тайёрлаш йиллик режаси уддаланмоқда.

МЕҲНАТ САМАРАСИ

“Н.Аҳмедов саховати” ММТП-га қарашли «Илҳомжон Олимов» фермер хўжалиги (раҳбари З. Олимов) 20 сентябрь куни пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Хўжалик жамоаси эрта баҳорда 46.8 гектар майдонга “Наманган-77” навли пахта уруғини қадаб, уни агротехник талаблар асосида парваришлади. Натижада ҳар гектар ердан 38 центнердан, 177 тонна пахта йиғиштириб олинди. Фермер хўжалигининг бу ютуғига И.Олимов, С.Тешаев, Н.Ашуров, К.Худойқулов,

Н.Мадаминаова, О.Боратова, Д.Маматова каби механизатор, сувчи ва теримчилар баракали ҳисса қўшишди. Ҳали пахтазорда ҳосил мўл. Деҳқонлар яна 25 тонна пахта териб олиб, ҳосилдорликни 43 центнерга етказишни ражалаштиришди

СУРАТДА: туман ҳокими Р. Жўраев пахтакорларни эриштирган ғалаба билан қутламоқда.

ПИЛЛАМИЗ - ТИЛЛАМИЗ

Туманимиз пиллакорлари йилнинг чилги ҳосили - пилла етиштириш бўйича вилоятда, ҳатто, республикада яхши натижага эришди. Шунингдек, туманимизда кузги пилла ҳам мўл бўлди.



КУЗГИ ПИЛЛА МЎЛ

Беш-олти йилдан буён кузги пилла етиштириш бўйича пиллакорларимизнинг тажрибаси ортиб борапти. Йилдан-йилга оммалашиб бораётган ушбу тажриба ўз самарасини берапти. Жорий йилда туманда 250 та хонадонга кузги пилла уруғи тарқатилди. Пиллакорларнинг ҳар бири ўз имкониятларидан ҳар бири ўз ҳисобига 40 килограммдан зиёд «кумуш тола» етиштиришга муваффақ бўлишди. Давлатга топширилган ҳар бир килограмм пилла учун пиллакорлар 25000 сўмдан ҳақ олишмоқда. Кузги пилла етиштиришда пиллакорларнинг тажрибаси, изланувчанлиги қўл келмоқда. Шундай илғор пиллакорлардан

бири - Чорбоғтўронги МФЙ, Узоқ қишлоғида яшовчи Абдуҳамид Маматқуловдир. У бир неча йилдан буён пилла етиштириб, бой тажриба орттирган. Ипак қуртини зооветеринария талабларига риоя қилган ҳолда парваришлаган илғор пиллакор кузги пилладан бир қўти ҳисобига 40 килограммдан «кумуш тола» етиштириб, режани ортиғи билан бажарди. Унинг хонадони қилинган меҳнатлар эвазига яхшигина даромад олди.

Ўз муҳбиримиздан.
СУРАТДА: тажрибали пиллакор А. Маматқулов пилла ҳосилидан мамнун.
Т. ҲОШИМОВ олган сурат.

МУНОСАБАТ

Хотин-қизларнинг таълим олишларига кўмаклашиш, уларни турмушга тайёрлаш, фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни шакллантириш, турли тазйиқ, зўравонликдан ҳимоя қилиш, касб-ҳунарга ўргатиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила мустаҳкамлигини ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, муаммоларини ҳал қилишлари учун қулайликлар яратишнинг электрон тизимлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августда “Aziz ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИ ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛИНАДИ

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тизимида хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий фаоллигини оширишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган, хотин-қизларга боғлиқ статистик маълумотлар жамланадиган «Aziz ayol.uz» ягона интерактив миллий платформаси ишга туширилди. Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда, тезкор таҳлилий маълумотлардан самарали фойдаланиш ва бу орқали давлат органларининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид фаолиятининг самарадорлигини ошириш, вазирлик ва идоралардан хотин-қизлар билан боғлиқ маълумотлар тезкор йиғилиши ва реал вақт режимда таҳлил қилинишини таъминлаш, хотин-қизларнинг таълим олишларига кўмаклашиш, уларни турмушга тайёрлаш, фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни шакллантириш, турли тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этишга ёрдам бериш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлашга кўмаклашиш, ўз ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича муурожаат қилишлари учун янада қулайликлар яратиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш, юритилаётган статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ягона тизимини яратиш, республика ва ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашларининг фаолиятини кенг оммага етказиш миллий платформанинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

«Aziz ayol.uz» ягона интерактив миллий платформаси доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби низомга мувофиқ тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Миллий платформани такомиллаштириш бўйича буюртмачи ва унинг юритилиши, узлуксиз фаолият кўрсатиши учун масъул қилинди. Давлат органлари ва ташкилотлари Миллий платформадаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинуви доирасидаги маълумотлар рўйхатига мувофиқ сўраладиган маълумотлар ва ахборотларни киритиб боради. Миллий

платформани техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини мунтазам такомиллаштириш билан боғлиқ барча харажатлар Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари, ташқи беғараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар), қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Миллий платформадаги идоралараро электрон ўзаро ахборот алмашинувини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Миллий платформа ҳамда мутасадди вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси ўртасидаги ўзаро электрон ҳамкорлик Электрон ҳуқуқларнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатадиган онлайн тўғрақларни ташкил этиш, ўқув қўлланмалари ва видеоматериалларни, «Ишга марҳамат» мономарказлари ва ўқув марказлари манзиллари, улардаги ўқув курслар ва уларнинг муддатлари тўғрисидаги маълумотларни юклар бориши кўрсатилди.

Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурдаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази Миллий платформа орқали ҳуқуқий, тиббий, психологик маслаҳат олиш ҳамда зўравонлик ва тазйиқдан ҳимояланиш мақсадида ёрдам сўраб қилинган онлайн муурожаатларни қабул қилиб, зудлик билан маслаҳатлар бериб, ҳомиладорлик ва туғиш таътилларида чиқиш, ижтимоий нафақалар олиш, пенсияга чиқиш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибларни ёритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Миллий платформа орқали «Аёллар дафтари»га киритиш ва чиқариш масалалари бўйича онлайн муурожаатларни қабул

қилиб, зудлик билан зарур маслаҳатларни бериб бориш ҳамда муаммоларни ҳал этиш чораларини кўради.

Маданият вазирлиги, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази оилавий қадриятларни тарғиб қилувчи, фарзанд тарбиясига оид қўлланмаларни, видеоматериалларни, шунингдек, маданий тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бадиий адабиётларни Миллий платформага юклар ва ҳар ойда янгилаб боради. Туризм ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хотин-қизларнинг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва спорт турмуш-тарзини юритишга жалб этишга, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялашга оид видеоматериаллар ва қўлланмаларни Миллий платформага доимий юклар бориш чораларини кўради. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хотин-қизларнинг Миллий платформадан бепул фойдаланишини таъминлайди.

Миллий платформа фойдаланувчиларининг вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги - Миллий платформага эгалик қилади, унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди. Миллий платформада иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари жамланадиган ҳамда таҳлил этиладиган маълумотлар рўйхатини шакллантиради ва уларни тақдим этиш даврийлигини белгилайди.

Давлат органлари ва ташкилотлари - Миллий платформага жамланиши лозим бўлган маълумотларни белгиланган рўйхатга ва муддатларга мувофиқ электрон ҳамкорлик орқали тақдим этади ёхуд тизимга доимий равишда киритишни, тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончилиги, ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлайди.

Миллий платформада Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ўз ичига олган идоралараро электрон сўровлар ҳамда тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Г. ЙЎЛДОШЕВА,
туман ҳокими ўринбосари,
маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭЪТИБОР

“ХУНАРМАНДЛАР МАРКАЗИ” ОЧИЛДИ



Бешариқ шаҳрининг Олтин водий кўчаси кўрகига кўрк “Хунармандлар маркази” фойдаланишга топширилди. Президентимиз Ш. Мирзиёев вилоятимизга ташри-

фи чоғида шаҳар ва туманларда хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида “Хунармандлар маркази” қуриш ҳақида топшириқ берган эди. Унинг амалдаги ижроси сифатида янги мажмуа 5 миллиард сўмга бунёд этилди. Марказда хунармандчилик сирларини ўрганиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ёшлар миллий хунармандчиликни устоз-мураббийлардан ўрганиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйдилар.

“Хунармандлар маркази”нинг очилиши маросимида вилоят ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Холиқов, туман ҳокими Расулжон Жўраевлар иштирок этишди. Хунармандларга омадлар тилаб, миллий анъаналаримиз бардавом бўлишига ишонч билдирдилар.

Тадбирда ҳозир бўлганлар марказдаги кўргазмалар ҳамда ёш хунармандлар фаолияти билан танишдилар.

ОБОДОНЧИЛИК

Шаҳримиз марказида қурилаётган яна бир маъмурий бинога биринчи ғишт қўйилди.

ЯНГИ МАЪМУРИЙ БИНО



Давлат хизматлари маркази туман бўлими учун собиқ марказий шифохона ҳудудида умумий баҳоси 4 миллиард сўмдан ортиқ бўлган, 2 қаватли бино қурилиши бошланди.

Бинога биринчи ғишт қўйиш маросимида фахрийлар

ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди. Тадбирда туман ҳокими Р. Жўраев, вилоят жамоатчилик кенгаши аъзоси Н.Шодиев, давлат хизматлари маркази вилоят бўлими бошлиғи Р. Бойқўзиева ва бошқалар иштирок этишди.

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

ЧЕМПИОН БЎЛИБ ҚАЙТДИ

Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Бунёджон Амиров МДХ ўйинлари чемпиони бўлди.

Россиянинг Қозон шаҳрида илк маротаба Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўйинлари бўлиб ўтди. Қайд этилишича, «кичик олимпиада», дея аталаётган мазкур мусобақаларда МДХнинг 10 та давлатидан 1500 нафарга яқин спортчилар 182 та медаллар жамланмаси учун

баҳслашишди. Қувонарлиси, ўзбекистонлик ўсмир боксчилар орасида Бешариқ тумани БЎСМ тарбияланувчиси Бунёджон Амиров ҳам мазкур баҳсларда қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бунёджон Амиров 63 кг. вазн тоифасида

рингнинг асл эгаси кимлигини бирин-кетин рақибларига кўрсата олди. Бунёджон финалда россиялик боксчиға қарши рингга кўтарилди ва ғалаба қозониб, олтин медал соҳибига айланди.

Туман ҳокими Р. Жўраев Бунёджонни юксак ғалаба билан самимий муборакбод этиб, унинг устози Оқилжон Саидовга омадлар тилади.

БЕШКАПАЛИК ПАРАЛИМПИДАЧИ

“Tokio-2020” паралимпия ўйинларининг иштирокчиси, Бешариқ тумани фарзанди Азизбек Абдулҳабиров оиласи бағрига қайтди.

Япониянинг пойтахти - Токио шаҳрида бўлган 16 ёзги паралимпия ўйинлари иштирокчиси Азизбек Абдулҳабиров параканоз баҳсларида KL2 классда эркаклар ўртасида 200 метр масофага ўтказилган финал баҳсларида муносиб иштирок

этиб, 13 сентябрь кун Бешариқ туманига етиб келди. Азизбекни Бешкапа қишлоғида туман ҳокими Р. Жўраев бошчилигида маҳалла нурунийлари, фаоллари, спортчи ёшлар ва оила аъзолари тантанали равишда кутиб олди. Унга эсдалик совғалари топширилди.

Туман ҳокими Азизбекнинг 2024 йилда Франция давлатида бўлиб ўтадиган паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этишига ишонч билдириб, самимий тилаклар билдирди.



ЖАЗО МУҚАРРАР

ФИРИБГАР

Фуқаро А. У. алдаш ёки ишонч-ни суйистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида 2020 йил сентябрь ойи охирида Х.М.га гўёки ўзи ва жияни учун тилло тақинчоқ сотиб олишини айтиб, шу йўл билан унинг ишончига киради. Ундан умумий нархи 9.550.000 сўмлик 1 дона “Кардинат” тилло занжири, 1 дона беш кўзли тилло узук, 1 дона “Версачи” тилло

узуги ва 1 дона “Бой хотин” тилло сирғасини олиб, уни ишонтириш учун олдиндан 500.000 сўм миқдоридagi пулни бериб, қолган 9.050.000 сўмни 15 кун ичида беришини айтиб, уларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасининг устидан чиқмай, тилло тақинчоқларни ўз шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади. Бундан ташқари, А.У. жиноий

ҳаракатларини давом эттиради. Фуқаро Б.Д.нинг Қўқон шаҳарида жойлашган “Самсунг” кредит савдо дўконидан сотувчи бўлиб ишлаётганидан хабар топиб, унга гўёки фарзанди учун ноутбук сотиб олишини ва пулларини 15 кун муддат ичида беришини айтиб, шу йўл билан ишончига кириб, бир дона “DSL” ноутбукни 3.100.000 сўмга сотиб олади. Суд томонидан судланувчиға овозлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

М. ОТАБОВ,
туман прокурори ўринбосари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲИСОБОТЛАРНИ ВАҚТИДА ТОПШИРИНГ

Юридик шахслар, уларнинг алоҳида бўлинмалари (кичик корхона ва микрофирмалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ташқари ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича) 4 меҳнат шакли чораклик давлат статистика ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 6-санасидан, яъни 2021 йил 6 октябрдан кечиктирмай eStat 4.0 дастури орқали тақдим этишларини сўраймиз.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

«Кафолат» сўғурта компанияси АЖ Бешариқ тумани бўлими андеррайтери Қодирова Маҳлиё номига берилган KFL № 0858611, 0858612, 0858613, 0858614, 0858615, 0858681-сонли сўғурта полислари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

9-мактаб томонидан 2020 йилда Абдурауфова Дилдора Зафарбек қизига шу мактабнинг 11-синфини битирганлиги ҳақида берилган UN № 0658191 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муқимий номли Қўқон давлат педагогика институти томонидан 2005 йилда Дўсматова Барнохон Топиловнага шу институтни битирганлиги ҳақида берилган В № 212446 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Туман ҳокимлиги девони Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш туман қабулхонаси мудури Ж. Бегматовга отаси

Илҳомжон БЕГМАТОВ

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Туман ҳокимлиги девони туман ҳокимининг чегара масалалари бўйича ёрдамчиси Н. Насиповга укаси

Фарҳоджон НАСИПОВ

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
БЕШАРИҚ ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ
Туман ҳокимлигининг расмий
веб-сайти www.beshariq.uz



Бош муҳаррир
Собиржон ТЕМИРОВ
Масъул навбатчи
Раҳимжон МИРЗАҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Ж. НОРМАТОВ

Таҳририят манзили:
150301. Бешариқ шаҳри,
Чўлпон кўчаси, 22-уй.
beshariqtongi12@umail.uz
Телефонлар:
Муҳаррир: (73) 612-14-12
Ҳисобчи: (73) 612-14-13

Газета таҳририят компютерида
териблиб, саҳифаланди ва «Анди-
жон нашриёт-матбаа» МЧЖ бос-
маҳонасида офсет усулда чоп
этилди.
Босмаҳона манзили: Андижон
шаҳри, Навоий шоҳкўчаси., 71-уй.
Нашр кўрсаткичи - 7577.

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентли-
гининг Фарғона вилоят ҳудудий
бошқармасида 9. 01. 2007 йилда 12-
021 рақами билан рўйхатга олинган.
Бичими: А-3. Адади 2019
Буюртма:
Топшириш вақти: 14.00
Топширилди: 15.00